

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

НАСИРОВ ФУРҚАТ РАУФОВИЧ

**НЕФРОЛИТИАЗНИНГ ЭНДОСКОПИК ЖАРРОҲЛИК
УСЛУБЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.31 – Урология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of dissertation abstract of doctoral dissertation

Насиров Фуркат Рауфович

Нефролителиазнинг эндоскопик жарроҳлик услубларини

такомиллаштириш..... 3

Насиров Фуркат Рауфович

Оптимизация методов эндоскопической хирургии нефролителиаза..... 29

Nasirov Furkat Raufovich

Optimization of methods of endoscopic surgery of

nephrolithiasis..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

НАСИРОВ ФУРҚАТ РАУФОВИЧ

**НЕФРОЛИТИАЗНИНГ ЭНДОСКОПИК ЖАРРОҲЛИК
УСЛУБЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.31 – Урология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2017.2.DSc/Tib145 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мухтаров Шухрат Турсунович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Камалов Армаис Альбертович
Россия Федерациясида хизмат кўрсатган фан арбоби,
Россия фанлар академияси академиги, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

Шадманов Алишер Каюмович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Гайбуллаев Асилбек Асадович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Н.А.Лопаткин номидаги Урология ва
интервенцион радиология илмий-текшириш
институту (Москва, Россия)**

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Докторлик диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (37-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «нефролитиаз билан касалланиш турли мамлакатларда 2 дан 12% гача ташкил этади ва янада кўпайиб боришга мойил»¹ ва баъзи прогнозларга биноан яқин келажакда бундай беморлар сони 2 баробарга ортади. Касалланиш билан бирга нефролитиаз асоратларидан ўлим кўрсаткичи ҳам ортиши кузатилган. «Сийдик тош касаллиги ривожланиш частотасининг сўнгги йилларда ортиб бориши ҳаётнинг ижтимоий, маиший ва экологик шартларининг ўзгариши, аҳолининг урбанизацияси, гиподинамия, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва таркибининг ўзгариши ва бошқа хатар омилларига боғлиқ»². Шу билан бирга, нефролитиазда мавжуд бўлган эндоскопик жарроҳлик услублари қўлланишининг натижалари, айниқса, беморда «мураккаб» сийдик тошлари бўлганида, етарли даражада қониқарли эмас, амалиёт вақтида ва кейинги асоратлар частотаси юқориликча қолмоқда. Резидуал тошларнинг бўлиши нефролитиазни эндоскопик даволашнинг муҳим муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади, айниқса, буйракларнинг кораллсимон ва кўп сонли тошларида. Даволашнинг пировард мақсади айнан тошларни тўлиқ олиб ташлаш эканлигини эътиборга олган ҳолда, касалланишни камайтириш ва рецидивларнинг олдини олиш учун бу масалани ечиш имконини берувчи эндоскопик жарроҳликнинг янги услубларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Нефролитиаз диагностикаси, даволаш ва профилактикасини такомиллаштириш мақсадида дунёда бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, касаллик ривожланишининг этиологик омилни аниқлаш ҳамда беморларни эрта аниқлаш ва ўз вақтида даволаш-профилактика ёрдамини кўрсатиш учун скрининг текширувлари ўтказиш. Даволашнинг оптимал тактикасини танлашга ёндашишни такомиллаштириш ва патологиянинг кечиш оғирлигига асосланган структуралаштирилган алгоритмларни шакллантириш мақсадида ҳозирги вақтда эндожарроҳлик амалиётларининг концепцияси ва янги усуллари ишлаб чиқишга ҳамда нефролитиазнинг мураккаб шакллари, хусусан, буйрак ва сийдик йўлларидаги қўшма тошларда, беморларга бир босқичли амалиётларни бажариш имкониятларини баҳолашга катта эътибор қаратилмоқда. Муаммонинг кўп йиллик тарихга эга бўлишига қарамай, ҳозирги кунда перкутан нефролитотрипсиядан кейин асоратлар ривожланиш хавфини камайтириш масалалари долзарблигини йўқотмаган. Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб, ушбу илмий-тадқиқот иши касаллик кечиш оғирлигига боғлиқ равишда миниинвазив амалиётларнинг янги усуллари ва даволаш тактикасини танлаш алгоритмларини ишлаб чиқишга асосланган ҳолда нефролитиазнинг эндоскопик жарроҳлик усуллари такомиллаштиришга бағишланган.

¹World Health Organization. Urolithiasis: fact sheet no. 153. World Health Organization website. 2014. www.who.int/iris/handle/10635/242879

²Riedi AK, Knubben-Schweizer G, Meylan M. Clinical findings and diagnostic procedures in 270 small ruminants with obstructive urolithiasis. // J Vet Intern Med. 2018 Apr 16. doi: 10.1111/jvim.15128.

Ҳозирги кунда юртимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва кўламини сезиларли кенгайтиришга қаратилган кенг қамровли мақсадли чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Бу муаммонинг ҳал қилиниши «аҳоли ўртасида касалланиш даражаси ва ўлим кўрсаткичини камайтириш»га қаратилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари билан чамбарчас боғлиқ³. Бу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, нефролитиазни даволаш самарадорлиги ва хавфсизлигини, беморлар ҳаёт сифатини яхшилашни таъминловчи эндоскопик жарроҳликнинг мавжуд усулларини янада такомиллаштириш ва янги оптимал усулларини ишлаб чиқиш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида «ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴. Нефролитиазнинг эндоскопик жарроҳлик услубларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари йирик халқаро тиббиёт марказларида олиб борилмоқда, шу жумладан: New York University (АҚШ), Minimally

³ ЎзР Президентининг 07.02.2017й.даги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Қонун ҳужжатлари тўплами.

⁴ Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи Luo J, Tuerxun A, Shataer A, Batuer A, Jiang C, Zhou Y, Li Z, Cheng D, Liu Y. Kidney stone composition in third world areas: what Kashgar tells us? // J Endourol. 2018 Apr 13. doi: 10.1089/end.2017.0860.; Dutov V.V., Urenkov S.B., Parshenkova I.G. et al. Effectiveness of extracorporeal shock wave lithotripsy in patients with urolithiasis of a solitary kidney. // Urologiia. - 2015;2:52-55.; Agawane SB, Gupta VS, Kulkarni MJ, Bhattacharya AK, Koratkar SS, Rao VK. Patho-physiological evaluation of Duranta erecta for the treatment of urolithiasis. // J Ayurveda Integr Med. 2018 Apr 7. pii: S0975-9476(17)30247-4.; Имамвердиев С.Б., Талыбов Т.А. Выбор оперативного метода лечения у больных коралловидным нефролитиазом. // Урология. 2016;2:18-22.; С Martov AG, Ergakov DV, Guseinov MA, Andronov AS, Dutov SV, Vinnichenko VA, Kovalenko AA. Initial experience in clinical application of thulium laser contact lithotripsy for transurethral treatment of urolithiasis. // Urologiia. 2018 Mar;(1):112-120; Chertack N, Jain R, Monga M, Noble M, Sivalingam S. Two Are no Different than One: Ureteral Duplication Appears to Have no Effect on Ureteroscopy Outcomes.// J Endourol. 2018 Mar 29. doi: 10.1089/end.2018.0041; Khan A. Prevalence, pathophysiological mechanisms and factors affecting urolithiasis. // Int Urol Nephrol. 2018 Mar 22. doi: 10.1007/s11255-018-1849-2; Tu Q, Gan J, Shi J, Yu H, He S, Zhang J. Effect of transcutaneous electrical acupoint stimulation on postoperative analgesia after ureteroscopic lithotripsy: a randomized controlled trial. // Urolithiasis. 2018 Mar 20. doi: 10.1007/s00240-018-1056-8.; Meibom S. Patient-Friendly Summary of the ACR Appropriateness Criteria Acute Onset Flank Pain-Suspicion of Stone Disease (Urolithiasis). // J Am Coll Radiol. 2018 Mar 5. pii: S1546-1440(18)30008-5; Guo ZL, Wang JY, Gong LL, Gan S, Gu CM, Wang SS. Association between cadmium exposure and urolithiasis risk: A systematic review and meta-analysis. // Medicine (Baltimore). 2018 Jan;97(1):e9460; Гиясов Ш.И. Осложнения эндоскопической хирургии нефролитиаза: причины, классификация, тактика, прогноз. // Дисс...докт. мед. наук. Ташкент, 2015.

Invasive Urology Institute, Methodist Hospital Institute for Kidney Stone Disease (AQSH), Indiana University School of Medicine (AQSH), University of Texas Southwestern Medical Center (AQSH), St Mary's Hospital (UK), Ministry of Health, Kecioren Training and Research Hospital (Turkey), Baskent University School of Medicine (Turkey), Muljibhai Patel Urological Hospital (India), Stone Urological Research Institute (India), Sarojini Naidu Medical College (India), Урология ва интервенцион радиология илмий-текшириш институти (Россия) ва Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон Республикаси).

Нефролителиазнинг эндоскопик жарроҳлиги бўйича ўтказилган глобал илмий тадқиқотлар асосида бир қатор муҳим илмий натижалар олинган: буйраклардаги кораллсимон ва бошқа йирик тошларини даволашда перкутан нефролитотрипсия танлов усули бўлиб ҳисобланиши аниқланган (New York University, AQSH); «мураккаб» сийдик тошларини олишда кузатиладиган бир қатор техник қийинчиликларга эндоскопик амалиётлар пайтида дуч келиниши ва резидуал тошларнинг юқори кўрсаткичи билан боғлиқлиги аниқланган (University of Texas Southwestern Medical Center, AQSH; Stone Urological Research Institute, India); касалланишни камайтириш ва рецидивларнинг олдини олиш учун тошларни тўлиқ олиб ташлашга интилиш зарурлиги аниқланган (Minimally Invasive Urology Institute, AQSH); нефролителиазни даволашда тери орқали ёндашишларнинг турли техника усуллари ишлаб чиқилган, жумладан, «минимал инвазив перкутан нефролитотрипсия», «second-look nephroscopy», «sandwich-терапия», кўп кириш йўли перкутан нефролитотрипсия (Baskent University School of Medicine, Turkey; РФ урология ва интервенцион радиология ИТИ); буйраклар ва сийдик йўллари билатерал ва ипсилатерал кўшма тошларида симультан эндоскопик амалиётлар (Methodist Hospital Institute for Kidney Stone Disease, AQSH) ва буйрак тошларини дренажсиз эндоскопик усулда олиб ташлаш амалиёти (St. Mary's Hospital, UK) татбиқ этилган; «мураккаб» сийдик тошлари, инфекция ва узоқ вақтли амалиёт шароитида қон кетиш хавфи ортиб бориши аниқланган (Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон Республикаси).

Ҳозирги кунда дунёда нефролителиаз билан беморларни даволаш натижаларини яхшилаш бўйича тадқиқотлар ўтказилмоқда, шу жумладан: жарроҳлик амалиётлари услубларини такомиллаштириш ва эндоскопик амалиётларнинг инвазивлигини камайтиришга қаратилган янги услубларни ишлаб чиқиш; нефролителиаз диагностикаси ва даволаш стандартларини ишлаб чиқиш; тошлардан халос бўлиш даражаси кўрсаткичларини яхшилаган ҳолда кейинги тактикани танлаш учун комбинациялашган даволаш усуллари аҳамиятини ўрганиш; нефролителиаз билан беморларнинг турли гуруҳ ва категорияларини, шу жумладан, буйракнинг кораллсимон ва кўп сонли тошлари, буйрак ва сийдик йўллари мураккаб тошларини даволашнинг клиник ва иқтисодий самарадорлигини ошириш

имкони бeрyвчи нефролитиазда бажариладиган эндоскопик амалиётлар алгоритмларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эндоурологиянинг ва амалиётларнинг техник жиҳозланиши даражасининг ривожланишига қарамай, «мураккаб» сийдик тошларини даволаш натижалари етарлича қониқарли эмас, бу амалиёт вақтида ва ундан кейинги асоратларнинг юқори частотаси ва хилма-хиллиги туфайлидир. Гиясова Ш.И.⁵ фикрига кўра, ««мураккаб» сийдик тошларини олиб ташлаш мақсадида бажарилган эндоскопик амалиётлардан сўнг, кўпинча, резидуал тошлар туфайли қайта амалиётларга эҳтиёж туғилади, амалиётдан кейинги давр оғир ва узок вақтга чўзилиши мумкин, даволашнинг харажатлари ортиб кетади». Буйракларнинг кораллсимон ва кўп сонли тошларини олиб ташлаш мақсадида бажариладиган тери орқали нефролитотомияда бир ёки бир неча кириш йўлини усуллар зарурати баҳсларга сабаб бўлмоқда, чунки кўп сонли кириш йўлини амалиётларнинг камчилиги, асосан, қон кетиш билан боғлиқ бўлган асоратлар ҳисобланади (Moe OW⁶; Gottlieb M⁷).

Буйраклар ва сийдик йўлининг кўшилиб келган тошларини бир босқичда олиб ташлаш – билатерал ёки ипсилатерал, симультан эндоскопик амалиётлар ўтказишнинг асосий шарти бўлиб ҳисобланади. Бу беморлар гуруҳини эндоскопик даволашнинг турли вариантлари мавжуд бўлиб (Süelözgen T.⁸), уни танлаш тошларнинг жойлашуви, шакли, сони ва ўлчамларига боғлиқ. Шу сабабли, буйраклар ва сийдик йўлининг қўшма тошларида эндоскопик жаррроҳликнинг оптимал тактикасини ишлаб чиқишни давом эттириш талаб этилади. Kang SK⁹ раҳбарлигидаги бошқа тадқиқотларда кўрсатилишича, «дренажсиз перкутан нефролитотрипсия кам инвазивроқ ва оғриқсизроқ бўлиб, беморни одатдаги ҳаётга тезроқ қайтаради. Бу амалиёт турида нефростома шакллантирилмай, иккитали J-стент ёки сийдик катетери ўрнатилади». Бироқ, сийдик йўлидаги стент дизурия ва поллакиурия чақириси мумкин. Стентни анча кеч муддатда олиб ташлаш асоратлар частотасининг ортишига олиб келади. Охирги вақтларда анча замонавий ва такомиллаштирилган технология ишлаб чиқилган ва татбиқ этилган: «тўлиқ дренажсиз (tubeless) перкутан нефролитотрипсия бажариш вақтида нефростомик катетер ҳам, иккитали J-стент ёки сийдик йўлига

⁵ Гиясов Ш.И. Осложнения эндоскопической хирургии нефролитиаза: причины, классификация, тактика, прогноз. // Дисс. . . докт. мед. наук. Ташкент, 2015.

⁶ Moe OW, Xu LHR. Hyperuricosuric calcium urolithiasis. // J Nephrol. 2018 Apr;31(2):189-196.

⁷ Gottlieb M, Long B, Koyfman A. The evaluation and management of urolithiasis in the emergency department: A review of the literature. // Am J Emerg Med. 2018 Jan 5. pii: S0735-6757(18)30003-2.

⁸ Süelözgen T., Budak S., Celik O., Yalbuздag O., Mertoglu S., Isoglu S. et al. Percutaneous nephrolithotomy in patients with a solitary kidney. // Archivio italiano di urologia, andrologia. 2014. Vol. 192, N 2. p. 519-23.

⁹ Kang SK, Cho KS, Kang DH, Jung HD, Kwon JK, Lee JY. Systematic review and meta-analysis to compare success rates of retrograde intrarenal surgery versus percutaneous nephrolithotomy for renal stones >2cm: An update. // Medicine (Baltimore). 2017 Dec;96(49):e9119.

катетер ҳам ўрнатилмайди. Бирок, ушбу усулни қўллаганда, буйракдан қон кетиш эҳтимоллиги мавжуд» (Moosanejad N.¹⁰; Tirtayasa P.M.¹¹).

Адабиётлардаги маълумотларнинг ўтказилган таҳлили нефролитиаз билан беморларни эндоскопик даволашда ижобий ривожланиш мавжудлигига қарамасдан, ҳозиргача ҳам кўплаб тактик муаммолар мавжудлиги, уларнинг асосийларидан бири – бу сийдик тизимидаги тошни бемор ва унинг буйраги учун энг оптимал бўлган оператив амалиёт усулини танлаш учун стандарт ёндашувнинг йўқлиги ҳисобланади. Бу ҳолатлар нефролитиаз жарроҳлигини ўрганишни давом эттириш ва такомиллаштириш зарурлигини белгилаб беради.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказининг «Энг тарқалган урологик касалликлар диагностикаси ва каминвазив жарроҳлигини такомиллаштириш ва унинг асоратларининг профилактикаси чра-тадбирларини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.) мавзусидаги А10-СС-0-21600-сон илмий-тадқиқот иши режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нефролитиазнинг эндоскопик жарроҳлик услубларини такомиллаштириш ва янги оптимал услубларини ишлаб чиқиш йўли билан эндоскопик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

буйракларнинг кораллсимон ва кўп сонли тошлари билан беморларни эндоскопик даволаш усулларини такомиллаштириш ва уларни бажаришга кўрсатмаларни аниқлаш;

кораллсимон ва кўп сонли нефролитиаз билан беморларни эндоскопик даволаш учун кўп кириш йўлили перкутан нефролитотрипсиянинг игнали усулини ишлаб чиқиш;

нефролитиазнинг симультан эндоскопик жарроҳлиги усулини ишлаб чиқиш, самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш, уни бажаришга кўрсатмаларни ишлаб чиқиш;

буйраклар ва сийдик йўли тошларини эндоскопик даволашнинг «дренажсиз» усулини ишлаб чиқиш, самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш ҳамда уни бажаришга кўрсатмаларни аниқлаш;

нефролитиаз эндоскопик жарроҳлигининг таклиф этилган оптималлаштирилган усулларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш;

нефролитиазда бажарилувчи эндоскопик амалиётлар алгоритмларини ишлаб чиқиш.

¹⁰Moosanejad N., Firouzian A., Hashemi S.A., Bahari M., Fazli M. Comparison of totally tubeless percutaneous nephrolithotomy and standard percutaneous nephrolithotomy for kidney stones: a randomized, clinical trial. // Braz. J Med. Biol. Res. 2016; 49(4):e4878.

¹¹Tirtayasa P.M., Yuri P., Birowo P., Rasyid N. Safety of tubeless or totally tubeless drainage and nephrostomy tube as a drainage following percutaneous nephrolithotomy: A comprehensive review. // Asian J Surg. 2016 May 24. pii: S1015-9584(16)30033-1.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2010 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказида сийдик тош касаллиги билан даволанган 845 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети нефролитиаз билан беморларни даволашда эндоскопик амалиётлар самарадорлигини баҳолаш натижаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги усуллар қўлланди: умумий клиник, лаборатор, ультратовуш текширувлар, экскретор урография, асоратларнинг Clavien-Dindo (2004) бўйича мослаштирилган классификацияси ва статистик таҳлил.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кораллсимон ва кўп сонли нефролитиаз билан беморларни эндоскопик даволаш учун кўп кириш йўлли перкутан нефролитотрипсиянинг игнали усули ишлаб чиқилган;

сийдик тизимининг юқори қисми (буйрак, сийдик йўли) турли сатҳларида жойлашган бир нечта тошларни бир вақтда олиб ташлаш, оператив амалиёт ва анестезиялар сони, даволаниш ва бемор реабилитацияси муддатларини қисқартириш имконини берувчи симультан перкутан нефролитотрипсия усули ишлаб чиқилган;

амалиётдан кейинги инфекция асоратлар частотасини камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини ошириш имконини берувчи дренажсиз перкутан нефролитотрипсия усули ишлаб чиқилган;

амалиёт вақтида асоратларнинг (перфорация, қон кетиш) йўқлиги, тошлардан батамом қутулиш ва юқори сийдик йўлларининг органик обструкциясининг йўқлиги перкутан нефролитотрипсиянинг дренажсиз усулларини қўллаш имконини берувчи мезонлар аниқланган;

жарроҳлик асоратларининг Clavien-Dindo бўйича оптимал мослаштирилган классификацияси ёрдамида нефролитиазни эндоскопик даволашнинг такомиллаштирилган усулларининг (кўп кириш йўлли, симультан ва дренажсиз) амалиётдан кейинги асоратларини объектив баҳолаш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кораллсимон ва кўп сонли нефролитиаз билан беморларни даволашда кўп кириш йўлли перкутан нефролитотрипсиянинг игнали усули юқори самарадорлиги ва хавфсизлиги исботланган;

кораллсимон ва кўп сонли нефролитиазда эндоскопик жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш имконини берувчи буйракнинг кораллсимон ва кўп сонли тошлари бўлган беморларни эндоскопик даволаш алгоритми ишлаб чиқилган;

кораллсимон ва кўп сонли нефролитиаз эндоскопик жарроҳлигининг оптимал тактикаси ишлаб чиқилган, кўп кириш йўлли перкутан нефролитотрипсия ва унинг игнали усулини бажаришга кўрсатмалар аниқланган;

кораллсимон ва кўп сонли нефролитиаз билан беморларни даволашда кўп кириш йўлини перкутан нефролитотрипсианинг аҳамияти ва ўрни аниқланган;

буйраклар ва/ёки сийдик йўлининг ипсилатерал ва билатерал тошлари билан беморларни даволашда симультан эндоскопик амалиётларнинг юқори самарадорлиги ва хавфсизлиги исботланган, даволаш самарадорлигини ошириш учун эндоскопик муолажаларнинг кетма-кетлиги аниқланган;

эндоскопик жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш билан бирга тошлардан кутулиш тўлиқлик даражасини ошириш имконини берувчи буйрак ва сийдик йўллариининг ипсилатерал тошлари билан беморларни эндоскопик даволаш алгоритми ишлаб чиқилган;

нефролитиаз билан беморларни даволашда перкутан нефролитотрипсианинг дренажсиз ва абсолют дренажсиз усуллариининг юқори самарадорлиги ва хавфсизлиги исботланган;

нефролитиазни даволашда амалиётдан кейинги инфекциян-яллиғланиш асоратлари частотасини сезиларли камайтириш имконини берувчи дренажсиз эндоскопик амалиётларни қўллаш алгоритми ишлаб чиқилган;

нефролитиазда эндоскопик жарроҳликнинг такомиллаштирилган усуллариининг (кўп кириш йўлини, симультан ва дренажсиз) иқтисодий самарадорлиги баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги текширувларнинг объектив клиник, биокимёвий, инструментал, нур ташхис усуллари билан асоланган. Статистик таҳлил ёрдамида олинган натижаларнинг ишончилиги тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг олинган натижалари нефролитиазда эндоскопик жарроҳликнинг замонавий ютуқларига катта хисса қўшади. Ўтказилган тадқиқотлар сийдик тош касаллиги билан беморларни даволаш натижаларини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларни оптималлаштириш, шунингдек нефролитиазни эндоскопик жарроҳлигида янги рақобатли усуллариини шакллантириш учун йўналишларни аниқлаш имконини берган. Эндоскопик жарроҳликнинг янги оптимал усуллариининг ишлаб чиқилиши жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш, даволаш самарадорлигини ошириш, асоратлар частотасини камайтириш, беморларнинг касалхонада ётиш ва кейинчалик реабилитацияси муддатларини қисқартириш имконини берган. Ишнинг айрим натижалари сийдик тош касаллиги билан беморларни даволаш бўйича магистрлар, клиник ординаторлар ва курсантларни ўқитиш дастурининг таркиби ва структурасини такомиллаштириш мақсадида қўлланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, нефролитиазни эндоскопик даволашнинг таклиф қилинган комплекс ёндашуви ва алгоритмлари нефролитиазни эндоскопик жарроҳлик тактикасини ва сийдик системасидаги тошни олиб ташлаш усулини танлашни оптималлаштириш имконини берган. Нефролитиаз эндоскопик

жарроҳлигининг ўрганилаётган даволаш усуллариининг ҳар бирига беморларнинг айрим гуруҳларига нисбатан кўрсатмаларни конкретлаштириш амалиётни бажариш учун уларнинг янада синчков танловини ўтказиш имконини берган. Нефролтиаз эндоскопик жарроҳлигининг ривожланиши беморларнинг турли гуруҳ ва категорияларини, шу жумладан, буйракларнинг кораллсимон ва кўп сонли тошлари, буйрак ва сийдик йўлидаги мураккаб тошлар бўлган беморларни, даволашнинг клиник ва иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нефролтиаз билан беморларни эндоскопик даволашни яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган «Перкутан нефролитотрипсиянинг кўп кириш йўлили усули» учун Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 05451, 2017 йил). Таклиф этилган усулни қўллаш кораллсимон ва кўп сонли нефролтиаз билан беморларни эндоскопик даволашда жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш ва даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

ишлаб чиқилган «Симультан перкутан нефролитотрипсия усули» учун Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 05470, 2017 йил). Таклиф этилган усулни буйрак ва сийдик йўли ипсилатерал тошлари билан беморларни эндоскопик даволаш учун қўллаш сийдик йўллариининг турли сатҳларида жойлашган бир нечта тошларни бирваракайига олиб ташлаш, оператив амалиёт ва анестезиялар сонини, даволаниш ва беморлар реабилитацияси муддатларини қисқартириш имконини берган;

ишлаб чиқилган «Дренажсиз перкутан нефролитотрипсия усули» учун Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 05392, 2017 йил). Таклиф этилган усулни қўллаш амалиётдан кейинги инфекцион асоратлар частотасини камайтириш, амалиётдан кейинги даврда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

нефролтиаз эндоскопик жарроҳлигининг янги оптимал усуллариини ишлаб чиқишга бағишланган тадқиқотдан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, 1-Республика клиник касалхонасининг урология бўлими ва Фарғона вилоят урология марказига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 1 ноябрдаги 8н-д/68-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Перкутан литотрипсиянинг таклиф этилган усуллариини қўллаш сийдик йўллариининг катетерга боғлиқ инфекцияси частотасини 17,6% га камайтириш, амалиётдан кейинги даврда анальгетикларга эҳтиёжни 1,8 баробарга камайтириш, беморларнинг касалхонада ётиш муддатларини ва тиббий хизматлар қийматини қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 8 та халқаро ва 2 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 72 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 10 та мақола, улардан 6 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 198 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий жихатдан яқинлиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Нефролитиазни эндоскопик жарроҳлигининг усулларини оптималлаштиришнинг тиббий моҳияти ва тиббий-услубий масалалари»** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи берилган бўлиб, унда мамлакатимиз Президентининг Фармон ва Қарорларида белгиланган республиканинг соғлиқни сақлаш тизимида ўтказилаётган ислохатларнинг асосий мақсади аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизмат сифатини ошириш, замонавий профилактика, ташхислаш ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш эканлиги келтирилган. Ушбу бобда яна мавзуга оид адабиётлар шарҳи ва турли фикр-мулоҳазаларнинг қиёсий таҳлили берилган, нефролитиазнинг эпидемиологияси, касалликни даволашдаги эндоскопик муолажаларнинг ўзига хос хусусиятлари, эндоскопик операцияларни фаол тадбиқ этиш давридан бошлаб, уларнинг интраоперацион ва послеоперацион асоратларининг частотаси, охириги йиллардаги асоратларни камайтиришга йўналтирилган нефролитиазни даволашдаги янги юқори технологик ва каминвазив усулларни ишлаб чиқиш тенденцияси баён этилган. Нефролитиазни даволашдаги турли ёндашув ва муаммолар, улар бўйича муаллифларнинг фикр-мулоҳазаларидаги тафовутлар ёритилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот объекти ва материаллари, қўлланилган усуллар тавсифи»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти, материаллари ва усуллари ёритиб берилган, беморларни текшириш ва оператив даволаш усуллари, даволаш натижаларини баҳолаш ҳажми ва мезонлари баён қилинган.

Тадқиқот негизини 2010-2015 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган урология марказига мурожаат этган, сийдик тош

касаллигига чалинган, 4-79 ёшдаги (ўртача ёш кўрсаткичи $37,5 \pm 3,6$ ёшни ташкил қилувчи), 845 нафар беморларни (492 эркаклар - 58,2% ва 353 аёллар - 41,8%) клиник текширувдан ўтказиш ва даволаш натижасида тўпланган ва илмий таҳлил қилинган материаллар ташкил этган.

Тадқиқот проспектив, рандомизацияланган, назоратли этиб ўтказилган, 3 бўлимдан иборат бўлиб, вазифалардан келиб чиққан ҳолда улардаги беморлар мос равишда гуруҳларга ажратилган:

I гуруҳ – буйрагида маржонсимон ва кўп сонли тошлари бўлган 59 бемор, улардан:

- 29 тасига кўп йўналишли перкутан нефролитотрипсия операцияси ўтказилган;

- 30 тасига кўп йўналишли перкутан нефролитотрипсиянинг игнали усули ўтказилган.

II гуруҳ – симульган эндоскопик операциялар ўтказилган, буйраклар ва сийдик найиларида ипсилатерал ёки билатерал тошлари бўлган 165 нафар беморлар, улардан:

- 146 таси буйраклар ва сийдик найиларида ипсилатерал тошлари бўлган беморлар;

- 19 таси буйраклар ва ёки сийдик найиларида билатерал тошлари бўлган беморлар.

III гуруҳ – дренажларсиз ва абсолют дренажларсиз эндоскопик операциялар ўтказилган, буйраклар ва сийдик найиларида тошлари бўлган 313 нафар беморлар, улардан:

- 179 тасига дренажларсиз эндоскопик операциялар ўтказилган;

- 134 тасига абсолют дренажларсиз эндоскопик операциялар ўтказилган.

IV гуруҳ - 308 нафар бемордан иборат назорат гуруҳи, улардан:

- 99 тасига буйрагида маржонсимон ва кўп сонли нефролитиази бўлган сабабли стандарт перкутан нефролитотрипсия ўтказилган;

- 76 тасига буйрагида содда тошлари бўлгани сабабли стандарт перкутан нефролитотрипсия ўтказилган;

- 133 тасига сийдик найиларидаги тошлари сабабли стандарт эндоскопик операциялар ўтказилган.

Сийдик тош касаллиги бўлган беморларни клиник текшириш баённомаси қуйидагилардан иборат бўлган: шикоятларини баҳолаш ва анамнезини йиғиш; физикал текшириш; буйраклар ва сийдик йўллари рентгенологик ва ультратовушли текшириш; қоннинг клиник ва биокимёвий текширувлари; сийдик чўкмасини сифат ва сон жихатдан микроскопик тахлили; кўрсатмалар бўлган ҳолларда сийдикни бактериологик текшириш.

Тошларни олиб ташлашда қўлланилган эндоскопик операцияларнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини қуйидаги параметрлар бўйича баҳоланган: тошлардан халос бўлиш кўрсаткичи (stone free rate); операцияларнинг муддатлилиги; интра- ва послеоперацион асоратларнинг частотаси, характери ва ифодаланганлиги; беморнинг операциядан сўнг стационарда даволанган муддати (койка/кун сони); дренажларни олиб ташлаш муддати;

гемотрансфузияга эҳтиёж; оғриқ синдромининг мавжудлиги ва ифодаланганлиги (диклофенакка эҳтиёж, мг); кўшимча муолажаларнинг бажарилганлиги (резидуал тошлар қолдирилган ҳолларда); катетер-ассоциацияланган сийдик йўллари инфекциясининг частотаси; даволаш таннари; мослаштирилган Clavien-Dindo таснифи бўйича послеоперацион асоратларнинг оғирлик даражаси; иқтисодий самарадорлик.

Диссертациянинг «**Буйрагида маржонсимон ва кўп сонли тошлари бўлган беморларни оператив даволаш натижалари**» деб номланган учинчи бобида перкутан нефролитотрипсиянинг стандарт, кўп йўналишли ва унинг игнали усулининг маржонсимон ва кўп сонли тошларни тўлиқ олиб ташлашдаги имкониятларини баҳолаш натижалари келтирилган.

Маржонсимон ва кўп сонли тошларни эндоскопик даволашдаги кўп йўналишли усулида тошларни олиб ташлаш учун турли косачалар орқали кириш йўлини очиш кўзда тутилади. Бунда ҳар бир операцион канал орқали навбатма-навбат буйрак бўшлиғига нефроскоп киритилади, у буйракнинг паренхимасидан ўтиб боради. Операцион канал кенгайтирилишида ва диаметри каттароқ бўлган нефроскопнинг кўшимча кириш йўли орқали ўтказилишида буйрак паренхимаси жароҳатланади, бунда операция қон кетиши билан асоратланиши мумкин, баъзи ҳолларда қон кетиши интенсив бўлади.

Шу сабаб, буйракнинг алоҳида косачаларига кириш учун камроқ инвазив бўлган игнали усулни ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилди, унинг моҳияти шундан иборатки, унда ягона операцион канал орқали имконият борича тошни максимал ҳажми олиб ташланади, нефроскопни буйрак бўшлиғидан чиқармай туриб, махсус «Chiba» игнаси ёрдамида алоҳида косачага кириб борилади. Косачадаги тош бўлаги ўрнатилган игна орқали юборилган стерил суюқлик ёки ҳаво ёрдамида нефроскоп тубуса турган буйрак жомига суриб чиқарилади ва нефроскоп орқали олиб ташланади. Муолажани 2 ва ундан ортиқ маротаба турли косачалар орқали амалга ошириш мумкин. Бунда қон кетиши минимал даражада бўлади ва буйракни тошлардан тўлиқ халос этишга имконият туғилади.


Тадқиқот натижаларининг таҳлили стандарт ПКНЛТни монотерапия сифатида қўллаганда маржонсимон ва кўп сонли тошлардан тўлиқ халос этиш (stone free) даражаси 74,7%ни ташкил этганини кўрсатди (1-расм).

ПКНЛТнинг кўп йўналишли усулида бу кўрсаткич 65,5%ни ташкил этди. Таъкидлаш керакки, 24,1% ҳолларда резидуал тошлар клиник жихатдан аҳамиятли эмас, деб баҳоланди ва бу беморларга динамикада кузатиш тактикаси тавсия этилди. Фақат 10,3% ҳолларда резидуал тошларни олиб ташлаш учун кўшимча операциялар бажарилди. Агар резидуал тошлари клиник жихатдан аҳамиятсиз, деб топилган беморлар кўшимча операцияларга мухтож бўлмай, уларнинг аҳволи соғайган, деб баҳоланиб, улар касалхонадан чиқарилиб, динамикада кузатишга ўтказилган бўлсалар, бу ҳолда бир босқичли кўп йўналишли ПКНЛТнинг самарадорлиги 89,7%ни ташкил этади (1-расм).

Кўп йўналишли ПКНЛТнинг игнали усулини қўллаганда тошлардан тўлиқ халос этиш (stone free) даражаси 90,0%ни ташкил этди (1-расм).

Шу тариқа, кўп йўналишли ПКНЛТни қўллаш орқали маржонсимон ва кўп сонли тошлардан тўлиқ халос этиш даражасини 90,0%гача кўтаришга эришилди.

Юқори сийдик йўлларида тошлар бўлганда нефролтиазни эндоскопик жарроҳлигининг нуқтаи назаридан унинг самарадорлиги бевосита тошларнинг мураккаблик тоифасига боғлиқ.



1-расм. Стандарт, кўп йўналишли ва игнали ПКНЛТ натижаларининг қиёсий таҳлили.

Тадқиқот натижаларини тошларнинг мураккаблик тоифасига боғлиқ ҳолда таҳлил қилганда К-2 типдаги маржонсимон тошлар кўпроқ стандарт ПКНЛТ (47,4%) ва кўп йўналишли игнали ПКНЛТ (53,3%) бажарилган беморлар гуруҳларида эканлиги аниқланди. Кўп йўналишли ПКНЛТ (48,3%) бажарилган беморлар гуруҳида эса янада мураккаброқ К-1 типдаги маржонсимон тошлар мавжудлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларини тошларнинг сони жихатидан таҳлил қилганда маржонсимон ва кўп сонли тошлар кўпроқ кўп йўналишли игнали ПКНЛТ (56,7%) бажарилган беморлар гуруҳида эканлиги аниқланди. Стандарт ПКНЛТ ва кўп йўналишли ПКНЛТ бажарилган беморлар гуруҳларида эса кўпроқ ҳолларда маржонсимон тошлар мавжудлиги аниқланди (мувофиқ равишда, 80,8% ва 72,4%).

Шу тариқа, тадқиқот натижаларининг таҳлили маржонсимон ва кўп сонли тошлари бўлган беморларни эндоскопик даволашда тошлардан тўлиқ халос этиш даражасини мураккаброқ стереометрик конфигурацияга эга маржонсимон тошларни олиб ташлаш учун кўп йўналишли ПКНЛТни

қўллаш йўли билан, маржонсимон тошлар кўп сонли тошлар билан уйғун келган ҳолларда эса, кўп йўналишли игнали ПҚНЛТни қўллаб ошириш мумкин эканлигини кўрсатди.

Операцияларнинг муддатлилиги баҳоланганда стандарт ПҚНЛТ бажарилган беморлар гуруҳида операцияларни бажариш учун ўртача $87,9 \pm 2,8$ минут талаб этилгани, кўп йўналишли игнали ПҚНЛТ бажарилган беморларда эса - $92,7 \pm 4,1$ минутни ташкил этгани аниқланди. Таҳлил қилинган кўрсаткичнинг гуруҳлараро ўртача қийматларидаги ишончли фарқ аниқланмади ($p > 0,05$) (1-расм).

Кўп йўналишли ПҚНЛТ бажарилган беморларда операциялар муддати бошқа икки гуруҳдагига нисбатан аҳамиятли даражада муддатлироқ бўлиб чиқди (ўртача, $109,3 \pm 6,5$ минут) ($p < 0,05$). Бу ҳолатни тошни олиб ташлашга қўшимча йўл очиш учун сарф этилган вақт билан изоҳлаш мумкин (1-расм).

Шу қаторда, кўп йўналишли игнали ПҚНЛТни қўллаганда нефроскоп билан кириш имконияти бўлмаган алоҳида косачалардаги тошларни ёки буйрак жоидаги тошни майдалашда унинг косачаларга ўтиб кетган бўлакларини жомга кўчириб олиш уларни майдалаш ва олиб ташлашга қулай шароит яратиши ҳамда операциялар муддатларини қисқартиришга имкон бериши аниқланди.

Бироқ оператив муолажанинг самарадорлиги фақат тошдан халос этиш даражаси билан эмас, балки асоратлар частотаси ва характери билан ҳам аниқланади. Ўтказилган ҳар қандай оператив муолажа, улар қаторида перкутан нефролитотрипсия ҳам, турли асоратлардан холи эмас. Интра- ва постоперацион асоратларни камайтириш янги даволаш усулларини ишлаб чиқиш ва қўллашнинг асосий вазифасидир.

Тадқиқот ишимизда кўп йўналишли ПҚНЛТни қўллаганда интраоперацион қон кетишининг ҳажми ўртача $85,4 \pm 17,3$ мл (30-300 мл)ни ташкил этди. Интраоперацион қон кетиш ҳажми 150 мл дан ортиқ (асорат мезони сифатида) бўлгани 29 бемордан 3 ($10,3 \pm 2,9\%$) тасида кузатилди, унинг ўртача ҳажми $276,7 \pm 25,2$ мл ни ташкил қилди.

Кўп йўналишли игнали ПҚНЛТни қўллаганда эса интраоперацион қон кетишининг ҳажми ўртача $49,7 \pm 15,3$ мл (30-300 мл)ни ташкил этди. Қон кетиш ҳажми 150 мл дан ортиқ (асорат мезони сифатида) бўлиши 30 бемордан 3 ($10,3 \pm 5,5\%$) тасида кузатилди, унинг ўртача ҳажми $266,7 \pm 46,5$ мл ни ташкил қилди. Келтирилган гуруҳларда қон ўрнини тўлдирувчи воситаларга зарурият бўлмади.

Бироқ стандарт ПҚНЛТ бажарилган беморларда интраоперацион қон кетишининг ўртача ҳажми $119,0 \pm 28,8$ мл (30-1130 мл)ни ташкил этди. Қон кетиш ҳажми 150 мл дан ортиқ (асорат мезони сифатида) бўлиши 99 бемордан 11 ($11,1 \pm 3,2\%$) тасида кузатилди, унинг ўртача ҳажми $407,2 \pm 28,8$ мл ни ташкил қилди. Бунда 2 (2,0%) беморга эритроцитар масса ва музлатилган қон плазмаси, 6 (6,1%) беморга эса кристаллоидлар қуйилди.

Интраоперацион асоратлар частотаси бўйича ўтказилган қийёсий таҳлил гуруҳлараро статистик жихатдан ишончли фарқ йўқлиги кўрсатди (мувофиқ равишда, $11,1 \pm 3,2\%$, $10,3 \pm 2,9\%$ ва $10,0 \pm 5,5\%$; $p > 0,05$) (1-расм).

ПКНЛТни бажаришда қон кетишининг эҳтимоли мавжуд, юқорида келтирилганидек, у одатда буйрак паренхимаси орқали йўл очишдаги хатолик, тошларнинг конфигурацияси ва муолажанинг муддатлилиги билан боғлиқ.

